

**Андижон давлат университети филология факультети ўзбек тили ва  
адабиёти йўналиши 2-босқич 204-гуруҳ талабаси Умирзакова Робиянинг  
“Озод ва обод Ватанга бахшида умр” мавзусида ёзган иншоси**

**Режа:**

I. **Кириш.** Мустақиллик – энг олий неъмат

II. **Асосий қисм:**

1. Ислом Каримовнинг сиёсий арбоб сифатидаги фаолияти
2. Биринчи Президентимиз асаларидағи маънавий камолот
3. “Биздан озод ва обод Ватан қолсин”

III. **Хулоса.** Инсонийлик боғининг гултожи

**Мен жаҳондин кечдим-у кечмас менинг жонимдин эл,  
Мен илиг қондин юдум, кечмас илиг қонимдин эл.**

(Алишер Навоий)

Бу курраи заминда турли-туман миллат вакиллари маълум бир давлат остида бирлашиб истиқомат қила бошлаганига неча асрлар бўлмоқда. Инсон ҳаётда нимадандир қаттиқ таъсирангандা, атрофдаги омиллар унга салбий ёки ижобий таъсирини янада чуқурроқ ўтказаётгандай туюлади. Фақат ёруғликка, покликка ташна қалбларда салбий жиҳатларга қарши ғалаён кучи ошиб-тошиб боради. Шу асосда дунёга маърифат уругини сочувчи шахслар етишиб чиқадилар. Давлат, жамият сўзларини тилга олганимизда, бевосита улар алоқа-аралашув жараёнининг одатий атамалари сирасига кириб қолганининг гувоҳи бўламиз. Бироқ мана шу сўзлар замирида неча минглаб халқнинг орзу-интилишлари, изтиробу қайғуларининг якуни яширин эканига ҳеч назар ташлаб кўрганмисиз? Мустақиллик... О, бу сўз накадар оромбахш кучга эга эканки, шу бир калима орқали беихтиёр кўзлар чақнаб кетади! Қалбимиз эса, такрор-такрор истиқлол сўзини ёд олишдан тўхтамайди. Балки бугунги кун ёшлари юқоридаги сўзлар замирида яширин моҳиятни тўла англаб ета олмасмиз, бироқ кекса бобою момоларимиздан истиқлол аталмиш неъматнинг маъносини сўраб билинг-а. Улар болаларга хос беғуборлик билан самимий сухбатга бериладилар. Озодликнинг қадри хусусида тўлиб-тошиб, ҳатто баъзи лаҳзаларда қароқларида жиққа ёш билан узоқ сўзлайдилар. Демак, мана шундай мусаффо осмонга, озод ва обод Ватанга осонликча эришилмаган эканда, деган ўй ўтади хаёлдан. Ҳа, албатта. Юзлаб жанг жадалларни, хўрлик ва камситишларни кўрган ўзбек халқи замонлар оша сабр-қаноат меваси – озодлик туҳфасини қутиб яшади. Бу уринишлар зое кетмади. 1991-йил 31-август. Қандай дилга яқин улуғвор сана. Мана шу кун бизнинг жонажон диёримизда мустақиллик деб аталмиш ёш ниҳол барг ёза бошлади. Бу ниҳолни ўзининг қўз ёшлари билан суғориб, соғ ниятлари ила парвариш қилган соддадил ўзбек халқи эди, шубҳасиз. Бироқ қарамлик майдонида тинчлик учун от сурган йўлбошчисиз орзулар тартиби мавжуд бўлмасди. Айнан Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ҳақиқий йигитларга хос жасорат кўрсатди. Халқим деб ёнди, мустақиллик иштиёқида юксак режалар тузди. Ва ниҳоят, бу

эзгу мақсадга қатъий ишонч ва мустаҳкам ирода билан қадам ташладилар. Халқ эса унинг мардоナвор излари ортидан баҳтдан порлаб, интилиб кетаверди. Эркинлик ғалабасини эълон қилган саналарида бутун Ўзбекистон бу воқеани олқиши билан кутиб олди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Ислом Каримовнинг оқилона сиёсати орқали йилма-йил ёш давлатни оёққа тургазиши ишлари бошланди. Юртбошимиз сиёсий арбоб сифатида бутун ҳаёти давомида кўплаб тарихий воқеаларнинг сабабчисига айланди. Унинг бош қомусимиз саналган конституция матнининг тайёрланишига бош-қош бўлгани, давлат рамзлари, миллий валюта, миллий армиянинг барпо этилиши фикримизнинг яққол исботидир. Айниқса, тараққиётнинг “ўзбек модели” буюк сиёсатчи, таниқли давлат арбоби Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилгани ва унинг кенг оммага манзур бўлгани юртбошимизнинг чинакам тафаккур эгаси эканлигидан далолат беради. Маълумки, бирор хонадонда чақалоқ дунёга келса, оила аъзолари бу воқеани қувонч ва завқ-шавқ билан қарши оладилар. Унга яхши исм қўйишга, ҳар қандай дақиқаларда ўсиб келаётган жажжи вужудни асраб-авайлашга интиладилар. Болакай эса оиланинг бирдан-бир овунчоги, шодлик манбаига айланиб қолади. Ислом Каримовнинг айнан Ўзбекистон диёрида таваллуд топгани эса Яратганнинг инъоми эди, десак муболага бўлмайди. Бошқа бир томондан, Ўзбекистон илк истиқлол йилларида пойма-пой қадам ташлаётган гўдакка ўхшарди. Бироқ Биринчи Президентимиз нафақат юрт мудофааси, балки келажакда юқори мэрраларни зabit этиши учун бутун бир умрини баҳшида қилди. Ёш ўғил-қизлар юрагида Ватанга муҳаббат ҳиссини ўз нутқлари, намунали фаолияти орқали янада мустаҳкамлай олди. Натижада, халқ бир бутун катта оиласа, айни вақтда тотув ҳамда иноқ турмушга мойил бўлган бутун бир жамоага айланди. Ислом Каримовга бўлган таърифлар, мақтов ва олқишлиарда заррача муболага ёки қочиримлар мавжуд эмас. Чунки унинг заҳматкаш ҳаёти тарих зарварақларига зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйилган. Мехнатлари самараси эса бугун биз яшаётган даврда акс этиб турибди. Унинг моҳир давлат арбоби эканлиги ҳақида сўз юритиш чоғида чет давлатлари билан олиб борган дипломатик алоқаларини ҳам ёритиб ўтишни жоиз деб биламиз. Негаки, дунё ҳамжамиятига таҳдид солаётган шовинистик ҳаракатлар, террорчиликка қарши курашиш чора-тадбирларини жаҳон миқёсида илгари сурган шахс – Ислом Каримов бўлди. Унинг БМТ минбаридан туриб терроризм илдизларини йўқотишига, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, инсонларнинг хотиржам ҳаёт кечиришлари учун давлат раҳбарларининг бирдек масъул эканликлари ҳақидаги жўшқин нутқлари жаҳон саҳнасида ҳам ўз ўрни ва обрўсига эга шахс бўлганлигидан далолат беради. Тақдир тухфалари ҳар бир инсонга түғилган вақтиданоқ битиб қўйилади. Ислом Каримовга эса улкан тақдир зарбалари ҳужум қилди. Лекин у тушкунлик кайфиятига ортиқча берилиб, ҳиссиётларнинг коронғу кўчасида адашиб қолмади. Юртбошимизда ягона дард – халқ дарди мужассам эдики, шу масъулият уни тақдирга чидамли бўлишга ундали. Одамзод шундай яратилганки, у барча нарсани хоҳлаб-хоҳламай ҳисоблашга ўрганиб қолган. Лекин ўтган умрини сархисоб

қилувчилар орамизда кам топилади. Кўча-кўйда шиор мисол янграган Ислом Каримов сўзлари инсонни ихтиёrsиз равища ўзи учун ҳисбот топширишга, мана шу давлатда, мана шу Ватанда не мақсад учун яшаётгани ҳақида ўй суришга чорлайди.

Ислом Каримовнинг сиёсий фаолияти бобларга сифмас китоб бўлса, унинг маънавий дунёси, билим даражаси, инсонийлик хислатлари эса яна бир қалин муқовали асарга мавзу сифатида қўлланила олади. У мазмунга бой умри давомида маънавият ва маданиятга, таълим-тарбияга, буюк шахсларнинг ибратли ҳаётига бағишлиган бир талай асарлар муаллифига айланди. Маънавият нима, деган саволга дуч келган чоғда Биринчи Президентимизнинг шу хусусдаги таърифларини ёдга олмай илож йўқ. Чунки бу фикрлар бутун онгу шууримизга ҳақиқат нурлари билан қоришиб, ўрнашиб қолган: “Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, инсоннинг ички дунёси, иродасини бақувват қиладиган беқиёс куч...” Кўчада ёлғиз сайр қилган вақтимизда баъзан ёнгинамида митти болажонлар қўлларини кўксига қўйганча, салом бериб ўтишларига дуч келиб қоламиз. Бу биз учун одатий ҳолга, кундалик турмуш тарзининг бир қисмига айланган. Ёки ўқиши жараёнида устозга бўлган ҳурмат, дарсни муқаддас деб билиш қон-қонимизга сингиб кетган тушунчалардир. Ислом Каримов бу ҳолатларнинг барчасини бир сўз билан ифодалайди: “Таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратиб бўлмайди. Бу шарқона қараш, шарқона халқ фалсафаси”. Ислом Каримов диёrimизга гўё қуёш янглиғ илиқ нурларини сочувчи шахс бўлди. Унинг меҳрга лиммо-лим заррин нурлари қалбимиз туб-тубида бекиёс ҳурмат ҳиссини уйготди. Улар ой мисоли қоронғу кунларда эзгулик йўлини ёритувчи маёқ вазифасини ўтадилар. Инсонлар у орқали зулмат қаъридан оқлика бурканган янги тонгга эришдилар. Улар қалдирғочнинг одамзод уйига баҳт иинини қургани каби дўстлик, биродарлик асосига Ўзбекистон деб аталмиш жаннатмакон юртни тинчлик байроби остида мустаҳкам этдилар. Улар Яратганинг суйган бандаси бўлса, ажабмаски, бир инсон ҳавас қилгудек бетакрор умрнинг соҳибига айландилар. Ислом Каримов ёзган асарларида, жумладан, “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида маънавий камолот ҳосил қилиш усуулари, йўллари, бу йўлдаги машаққат ва қийинчиликларнинг ҳам мавжуд экани тилга олинган. “Энг буюк жасорат маънавий жасоратдир” деганларида қай даражада ҳақ эканликлари ўзи олиб борган намунали фаолиятда ҳам бугун ифодасини топмоқда. Фоний дунё ташвишларидан ортиб масжиду мадрасалар барпо этган зот шахсиятида жасоратнинг белгилари ўз аксини топиб турган эмасми?

Бу замон қанчадан-қанча шоҳлар, подшоҳларга, хону бекларга шоҳид бўлди. Улар орасида адолат билан ҳукмронлик қилган неча минглаб зотлар ҳам бор. Бизнинг даврга келгач, ана шундай оташқалб, адолатли инсон сифатида ҳеч иккиланмай, Ислом Каримовдай буюк сиймони кўрсата оламиз. Атрофингизга бир бор назар ташланг, ҳеч нимага парво қилмай, ўз ўт-ўланлари билан овора бўлган қўй-қўзиларга тўла ям-яшил далаларда, улуғворлик жиҳатидан бир-бирига бас кела оладиган улкан биноларда, замонавий имкониятларга бой ўқув даргоҳларида илм нурларидан баҳраманд

бўлаётган билимга чанқоқ қалбларда, меҳрибонлик уйидаги гўдакларнинг маъсум кўзларида – ҳамма-ҳаммасида Биринчи Президентимизнинг сиймолари яшайди. Улар – меҳр-шафқат, қаноат тимсоли. Ислом Каримов фахр билан қўл сиқиб, ишонч билдирган ҳарбийлар бугун яна мудофаага шай. Унинг тақдирлаши сабаб илҳоми жўшиб кетган шоир ва ёзувчилар бугун яна тенгсиз асарлар битиш билан банд. Ҳеч бир муқаддас иш йўқки, у киши ҳаётлик чогида бош қўшмаган бўлса. Бугун юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг олиб бораётган ҳар бир самарали ишлари, чиқараётган қонун, фармонлари ҳам ватанимиз гуллаб-яшнаши, ҳалқ турмуши яхшиланишига қаратилган экан, Биринчи Президентимизнинг бошлаб қўйган хайрли ишлари давоми сифатида янграмоқда. Ислом Каримовга қай нуқтаи назар билан ёндашманг, ундан янги бир ҳикмат, янги бир сабоқ топа оласиз.

Бу ҳаётда ҳамма нарса ўткинчи. Қайғу, шодлик, ёшлиқ, ҳаттоқи умр. Лекин шундай инсонлар бўладики, “капалак умрига қиёс этгулик” лаҳза умрнинг тиллога teng дақиқаларини сермазмун ўтказадилар. Ўзлари чин дунёга, Яратганинг ҳузурига рихлат қилганлари ҳолда эзгу номлари асрлар оша ҳалқ орасида абадий ҳаёт кечиради, яшайверади. Шундай улуғ зотлардан бири Биринчи Президентимиз Ислом Каримов эдилар. Унинг муқаддас хотирасини мангаликка дахлдор этиш мақсадида сиёсий-ижтимоий фаолияти, ҳалқ фаровонлигига бағишланган ҳаракатлари турли давраларда мазмундор нутқларга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ислом Каримовнинг бир инсон сифатидаги ҳаётини қalamга олганимизнинг ўзидаёқ, у зотнинг мўътабар сиймоси беихтиёр кўз олдимиизда намоён бўлади. Ўйлаб кўринг-а, битта инсон нималарни орзу қиласи? Қандай яшашни истайди? Қай жойда узоқ қолишини хоҳлайди? Хотиржамлик, тинчлик, ором олиш – буларнинг барчаси бир инсон учун ҳам маънан, ҳам жисмонан зарур ҳолатлар эмасми? Худди шундай. Лекин Ислом Каримовда ором олиш деган ҳисни туйиш фурсати бўлганмикан? Гоҳ кўпдан-кўп йиғилишу мажлисларда, гоҳ чет эл сафарида бўлган шахс руҳиятида дам олиш сўзига ўрин тегмаса керак, бизнингча. Бироқ Биринчи Президентимиз шу қадар авлиёсифат зот эдиларки, мана шу ширин ташвишларни: туну кун эл орасида фаолият олиб бориш, ҳалқ фаровонлиги йўлида узоқни кўзлаб иш тутишни ҳақиқий жисму жонга ором бағишловчи хотиржамлик деб ҳисоблардилар. Ўйга чўмган ҳолда ўтирган суратларига нигоҳимиз тушадию, залворли йилларнинг юкини чинакам ўзбек фарзанди каби мардона кўтариб келган қатъиятли ва хаёлчан кўзларга, нуронийлик излари балқиб турган юзларга бокиб, бўғзимизга нимадир тиқилади, унсиз ерга тикиламиз. Кўз ёши қурғур эса айрилиқ азобининг элчиси сифатида ёноқларимиз узра дарё-дарё қуилилиб келаверади. Атрофга боқсак, қайсиadir хонанданинг хониши кимгадир севимли бўлса, бошқаларга эриш туюлар. Ёинки баъзида ёнимиздаги инсонга келишмовчилик сабаб ҳурматимиз камаяр. Аммо Ислом Каримовга бўлган муҳаббат ёш, миллат, қалб, фурсат танламайди. Киши қалбида олов мисоли қўкка бўй чўзаверади, ўсаверади. Эслайсизми, у зотнинг ажойиб хислатлари бор эди. Қандай байрам ёки шодиёна бўлишдан қатъий назар тантана сўнгида бегуборлик осмонининг юлдузлари, эртанги кун умидлари саналган жажжи жужуқчаларни қўлларида

даст күтараардиларда, ёқимли табассум билан халққа юзланардилар. Шундай болажон эдилар... Мустакилликнинг қўлга киритилишида, урф-одат, анъана, асрий қўлёзмаларнинг тикланишида, аждодлар хотирасининг эъзозланишида бу улуғ зотнинг бош-қош бўлиши, наҳотки, бир вужудга шунча куч-ғайрат яширинганд бўлса, деган ҳайратни уйғотади.

Дунёда бахт нима, деган саволга ҳамма ўзича жавоб ахтаради, турлича жавоб беради. Энг бахтли инсон бўлиш хусусида баҳс-мунозара давом этаверади. Мен эса энг бахтли инсон деганда, Биринчи Президентимизни кўрсатсан, мақбул бўлар деб ҳисоблайман. Негаки, у зот инсонийлик, фарзандлик бурчларини тўлақонли адо эта олдилар. Ўзларидан эзгу хислат, эзгу ном битиб кетдилар. Энг муҳими, унинг ортида ўнлаб, юзлаб эмас, миллионлаб ташаккурга чоғланган диллар, дуога очилган қўллар бор... Юртбошимизни сўнгги манзилга юбориш онида сониялар юрмай қўйди гўё. Охирги лаҳзаларда муфтий ҳазратларининг айтган сўзлари ҳамон қулоғим остида жаранг сочади: “У кишини бир умрга йўқотдик. Дийдор эса қиёматга қолди...”

Бобожон, биз сизни топа олмадик,  
Тошкентнинг энг сўлим хиёбонидан.  
Дуога қўл очиб унсиз йиғладик,  
Мангу жой топибсиз Темур ёнидан.